

А.У. Бурханов, и.ф.д., ТДТУ

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ АСОСИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

В статье раскрыты основные направления развития отраслей промышленности Узбекистана, а также проведен анализ их нынешнего состояние, объем привлеченных инвестиций и их структура. Раскрыты теоретические воззрения путей модернизации отраслей промышленности, а также причины пристального внимания для осуществления данного процесса. В том числе дана характеристика управления процессами модернизации, технического и технологического обновления промышленных предприятий.

In the article the basic directions of development of branches of industry in Uzbekistan and the analysis of their current state, the volume of attracted investments and their structure was conducted. The article describes theoretical perspectives of ways of modernization of branches of industry and careful attention, to the implementation of this process. Including the characteristic of the control processes of modernization, technical and technological updating of industrial enterprises.

Калитли сўзлар: инвестиция, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, саноат тармоқлари, диверсификация, янгиланиш коэффициенти, барқарор иқтисодий ўсиш.

Ўзбекистонда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришда давлатнинг роли, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиёт тармоқларини тартибга солиш, саноат тармоқларига таъсир этувчи ташқи салбий омилларни бартараф этиш, экспортни рағбатлантириш, солиққа тортишда имтиёзлар бериш, молия-кредит механизмларини ривожлантириш масалаларидан иборат. Бу жараёнлар бевосита қонуний-ҳуқуқий жиҳатлар ва институционал ўзгаришларга асосланган ҳолда давлат томонидан тартибга солиниши лозим.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кўпгина қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларни қуйидаги йўналишлар бўйича асослаш мумкин:

биринчидан, давлат бошқарувининг асосий тамойилларини белгилаб берувчи қонунлар қабул қилинди;

иккинчидан, мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни ҳуқуқий асоси яратилди;

учинчидан, корхоналарнинг янги хўжалик юритиш механизмларини белгилаб берувчи қонунлар кучга киритилди;

тўртинчидан, ташқи савдо шароитларини белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар яратилди ва бошқалар.

Саноат тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган

ислохотлар натижасида қўйидагиларга эришилди:


- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кескин пасайишларга йўл қўйилмади;
- йирик саноат корхоналари ҳисобига ижтимоий барқарорлик сақлаб қолинди;
- стратегик муҳим тармоқлар, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика мажмуасини қўллаб-қувватлаш сўнгги йилларда иқтисодий ўсишни таъминламоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилган изчил ислохотлар натижасида саноат тармоқларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 2000 йилда ЯИМда саноатнинг улуши 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилга келиб 24 фоизга етди, яъни 9,8 фоизли пунктга ўсди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 8,3 фоизга ошган¹.

Саноат тармоқларининг барқарор ўсиши замирида, асосан, соҳага киритилаётган инвестициялар ётади ва уларнинг ҳажми сўнгги йилларда жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Жумладан, инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби шуни кўрсатмоқдаки, 2010 йилда республикада асосий капиталга киритилган инвестициялар 15 338,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич 13 355,9 млрд. сўмга ошди ва 28 694,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 2010 йилда саноатнинг улуши 30,4 фоизни, яъни 4 659,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 34,2 фоизни, яъни 9 813,4 млрд. сўмни ташкил қилди[1]. Жумладан, республика саноат тармоқлари бўйича киритилган инвестициялар таркиби 1-расмда келтирилган.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда ёқилғи саноатини ривожлантиришга киритилаётган инвестициялар ҳажми кескин ўсган. Маълумки, ёқилғи саноатининг асосини бирламчи энергия ресурслари истеъмоли таркибида юқори улушга эга бўлган табиий газ (92 %) ташкил этди, унинг салмоқли улуши (19-20 %) электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланилади[3]. Демак, ушбу тармоққа катта ҳажмда инвестициялар йўналтиришдан асосий мақсад – аҳоли, саноат корхоналари, хизмат соҳаси ва бошқа субъектларни табиий газ ва электр энергияси билан барқарор таъминлаш билан бир қаторда, жаҳон бозорида газ нархининг ошиб бориши шароитида валютадан олинадиган даромад ва давлат бюджети тушумини ошириш, шунингдек, савдо, валюта ва тўлов баланси таркибини яхшилашдир.



¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



1-расм. Саноат тармоқлари бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

Манба: Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2014. –42-43 б.

Шу билан бир қаторда, 2010 йилдан бошлаб, саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар улуши янада ошиб бормоқда (1-расм). Таъкидлаш жоизки, инвестициялар, асосан, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларни олиб келиш учун йўналтирилмоқда (2-расм).



1-расм. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни асосий тармоқлари бўйича таркиби, %

Манба: Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. - Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2014. – 159 б.

2-расм. Инвестицияларнинг технологик таркиби, %

Манба: Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. - Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2014. – 156 б.

Шунга қарамасдан, Ўзбекистон саноати ҳали ҳам ресурсларни юқори даражада истеъмол қилиш режимида ишламоқда. Хусусан, ЯИМнинг энергия сиғими 4,7 мартага ривожланган мамлакатлар, 1,4 мартага ривожланаётган мамлакатлар даражасидан юқори[3]. Шу билан бир қаторда капитал, инвестиция ва меҳнат унумдорлиги пасаймоқда. Бу кўп жиҳатдан асосий

воситаларнинг маънавий эскириши ва ейилиши билан боғлиқ. Кенг кўламли модернизация дастурларининг[4] амалга оширилиши маънавий эскириш ва ейилиш даражасининг пасайишига имкон яратди, бироқ у ҳали ҳам юқори даражада – 44 % атрофида қолмоқда[5].

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2015-2019 йиллар мобайнида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича дастур қабул қилинди. Унга мувофиқ 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришга жами 19 640,0 млн. АҚШ доллар микдорида инвестиция киритиладиган бўлса, ундан 13 676,4 млн. АҚШ доллари янги қурилишга ва 4 486,9 млн. АҚШ доллари эса модернизация ва реконструкция ишларига жалб қилинади. Жалб қилинадиган инвестициялардан 8 746,6 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялардир ва уни 840,0 млн. АҚШ доллари модернизация ва реконструкция ишларига йўналтирилиши режалаштирилган[6].

Юқорида келтирилган таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш ҳамда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда, модернизация атамасининг мазмунига тўхталиб ўтак, унга нисбатан турли хил талқинлар берилган. Хусусан, иқтисодий адабиётлар ва луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилган: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш, асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»[7].


Фикримизча, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқлари корхоналари нуқтаи назаридан қуйидаги таъриф маъқул ҳисобланади, яъни: «Модернизация – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурслардан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгилаш натижалари юқори технологик, рақобатбардош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради» [8].

Жумладан, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш давлат ва ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан жуда ҳам муҳим ҳисобланиб, ушбу ислохотларни жадаллаштиришга асосий эътибор қаратиш сабаблари 3-расмда тавсифлаб берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш вазифаларини умумий кўринишда қуйидагича

ажратиш мумкин:

- замонавий ва илғор технологияларни жорий қилиш ёрдамида стратегик муҳим тармоқларнинг техник ва технологик қолоқлигини минималлаштириш;
- узоқ муддатли модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қодир инвестиция муҳитини шакллантириш;
- тармоқлар ўртасида рақобатни кучайтиришга асос бўлувчи иқтисодиётнинг ташкилий-функционал бошқарув тизимини модернизация қилиш;



3-расм. Саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга асосий эътибор қаратиш сабаблари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

- кооперация биржалари ва инновацион ярмаркаларни ташкил этиш орқали саноат тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш;

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ва амалий тадқиқотларни буюртма ва грант шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ва бошқалар.

Саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларнинг услубий асосини қуйидагича белгилаш мумкин:

- молиявий капиталга нисбатан миллий ишлаб чиқаришда ижтимоий-иқтисодий субъектлар тизимини шакллантирувчи хусусий мулкчилик воситаси сифатида ёндашиш;

- ҳудудлардаги саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш салоҳиятини баҳолаш, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик даражасини баҳолаш усули;

- иқтисодий субъектларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга бўлган қобилияти ва имкониятини белгиловчи техник-иқтисодий кўрсаткичларга асосланган саноат тармоқларини модернизация қилишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш воситаси.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш имкониятини белгиловчи асосий мезон корхона ўз ривожланиш жараёнини режалаштириш ва прогноз қилиш қодирлиги ҳисобланади. Ушбу жараёнларни бошқаришни 4-расмда келтирилган шаклда тавсифлаш мумкин.



4-расм. Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини бошқариш
Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Шу ўринда, қийматни яратиш жараёни узок муддатли даврда мувозанатлашган ҳолда шаклланади ва акциядорлар учун қиймат, барқарор ва узлуксиз ўсиши таъминланади.

Бозор муносабатлари шароитида зарур шарт-шароит (имконият) нуқтаи назаридан корхонанинг молиявий-иқтисодий салоҳияти кўрсаткичидан ташқари яна бир муҳим кўрсаткич бу – харидорларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатига бўлган талаблари ўзгаришини қондира олиш имконияти нуқтаи назаридан корхонанинг янгиланиш қобилияти, яъни корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик янгिलाшга қодирлиги кўрсаткичи шаклланади. Янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш даврини $\overline{t^{o'}_y}$ статистик маълумотларни регрессион таҳлил қилиш ёрдамида аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириш даврига қуйидагиларнинг йиғиндиси сифатида қараш мумкин, яъни:


$$\overline{t^{o'}_y} = \overline{t_{ty}} + \overline{t_{mish}} \quad (1)$$

бу ерда, $\overline{t_{ty}}$ – технологияларни тайёрлаш, жиҳозлаш ва йиғиш ишларини амалага оширишнинг ўртача вақти; $\overline{t_{mish}}$ – маҳсулот ишлаб чиқариш вақти.

Умумий капитал янгиланиши ўртача даври ва олдин шаклланган капиталдан фойдаланиш даври иккита асосий омиллар билан аниқланади, яъни: бозор ҳолати ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тасодикийлик янада ошади, модомики ноаниқликларни изоҳловчи қўшимча омиллар пайдо бўлди. Шу нуқтаи назардан, капитал янгиланиш коэффициенти K_y ни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш учун янги капитални киритиш ва ўзлаштиришни эҳтимоллик моделидан фойдаланиш лозим. Бундай ҳолатда энг қулайи кўриб чиқиладиган жараёнларни дискрет ҳолатлар ва узлуксиз вақтлар билан Марков тасодикийлик жараёни[9] асосида моделлаштириш ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган тасодикий жараёнга қуйидаги тахминни қўллаш мумкин. Яъни, тизим ҳолатини дискрет деб ҳисоблаймиз, чунки уларнинг ҳар бирининг боши ва охирида аниқ чегараларни белгилаш мумкин. Уларнинг жамланиши узлуксиз вақт билан кетма-кетликни вужудга келтиради. Ҳар бир лаҳза вақт $t = \tau$ учун эҳтимоллик ҳар қандай дискрет ҳолат H_{i-1} га тизим қачон унга келганлигидан қатъи назар, унинг фақат ҳозирги ҳолати H_i га боғлиқ. Шунинг учун тизимлар ҳолати кетма-кетлиги ҳодисалар оқимининг бир маромда бўлишини белгилаб беради. Тизимларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши тасодикий вақтда юз беради, модомики олдиндан кўрсатиш имкони бўлмайди, тасодикий ўтиш эса бир ҳолатдан бошқа ҳолатга Δt вақт оралиғи λ_{ij} да тенг. Шундай қилиб, корхона томонидан янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш даврларини дискрет ҳолатлар ва узлуксиз вақтлар билан Марков тасодикийлик жараёнига келтириш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш белгиловчи асосий мезон корхона ўз ривожланиш жараёнини режалаштириш ва прогноз қилиш қобилиятидир.

Шундай экан, жорий анъанавий 1-даврда ўзлаштирилган маҳсулот кейинги 2-даврда янги жараёнларни режалаштириш ва амалга ошириш учун маълум иқтисодий захира яратиш имконини беради, яъни узлуксиз инновацион технологияни ишга тушириш корхона барқарор ривожланишини таъминлайди ва модернизация қилиш имконини яратади. Бу ерда чексиз сонли босқичлар кўрсатилган бўлиши мумкин, бироқ сифат жиҳатдан фарқ қиладиган учта умумлаштирилган аниқ даврлар келтирилган, яъни: жорий давр (D_j), узок муддатли (D_{um}) ва келажак даврларни стратегик режалаштириш (D_{sr}), шунингдек, улар саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш стратегияларини баҳолаш ва диагностика қилиш имконини беради (5-расм).



5-расм. Модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг SK_y ижтимоий, молиявий, иқтисодий, технологик ҳолатларини белгиловчи мезонлар орқали ифодалаш мумкин:

$$SK_y = I_j, M, I_q, T \quad (2)$$

Мезонлар саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини таъминловчи тизимли омилларни ўзида акс эттиради, яъни: ўз маблағларининг мавжудлиги; молиявий кредитнинг фоиз даражаси; инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит олиш механизмнинг ривожланганлиги; техник ва технологик база ҳолати; инвестицион хатарлар; инвестицияларнинг даромадлилиги даражаси; инвестиция жараёнларини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий базанинг ривожланганлиги ва бошқалар.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қодирлиги Q_{y1} ни тавсифловчи омиллар, яъни маҳсулотни ИТТКИнинг турли босқичлари ва уни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичида бўлиши мумкин. Бу шароитда корхонанинг таркибий барқарорлик даражасини баҳоловчи кўрсаткични топишни талаб этади.

Модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қодирлик Q_{y1} ни акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулот турлари бўлиши мумкин. Капитални янгиланиш K_y вақтида корхона барқарорлигининг ички омили, учта асосий давр, яъни ИТТКИ, ишлаб чиқаришга тайёргарлик ва ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни белгилаб беради.

Капиталдан фойдаланиш K_f вақтида корхона барқарорлигининг ташқи омили эса, яратилиш, ўсиш, етуклик, пасайиш босқичларни қамраб олган давр оралиғида ўзгариб турадиган жараёнлар сифатида маҳсулот даврни белгилаб беради.

Янгиланиш коэффиценти k_y талаб этилган вақтда лойиҳаларни амалга ошириш ва умумлаштириш қобилияти, бозор талабларига жавоб бериш ва корхона рақобатбардошлигини таъминлашни ўзида акс эттиради. Янгиланиш коэффиценти k_y ни аниқлашдаги мураккаблик шундаки, капитал янгиланиш жараёни доим бозор омиллари (маҳсулот истеъмол қийматининг ўзгариши, бозор конъюнктураси ва бошқалар) таъсири доирасида ноаниқлилик хусусиятига эга. Янгиланиш коэффиценти k_y нинг амалий мазмуни корхоналарнинг маънавий эскирган маҳсулот ўрнига янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир янги саноат капиталини тезроқ ўзлаштиришга интилиши билан изоҳланади. Ҳар қандай вазиятда янгиланиш коэффиценти k_y ни аниқлаш учун етарли дастлабки маълумотларни шакллантириб, корхона капитали янгиланишини прогноз қилишнинг илмий асосланган натижаларини олишимиз мумкин.

Ушбу ёндашувдан фойдаланиш корхона ривожланишини режалаштириш ва прогноз қилиш жараёнларини аниқлаш имконини яратади. Жумладан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва корхона фаолиятининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро уйғунликни очиб беради. Яъни:

- капитал янгиланиш вақти;
- янги маҳсулотни ўзлаштириш ва тайёрлаш вақти;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозорда сотиш вақти;
- бозорда талаб юқори бўлган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қодирлигини баҳолаш мезонлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- *кўркамлик*, яъни иккиламчи вазифаларни эмас, балки асосий қарорлар самарадорлигини баҳолаш имконини яратиш;
- *таҳлил қилинаётган параметрларга танқидий ёндашиш*, яъни ҳар қандай таҳлил қилинаётган параметрларнинг ўзгариши мос равишда мезон ўзгаришига олиб келиши лозим;
- *соддалик* – унга иккиламчи даражали миқдорлар таъсир этмаслиги лозим, яъни кўп мезонли вазифаларни ечиш жуда қийин ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган модель доирасида корхонани стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-лойиҳалаштириш усулидан фойдаланиш мумкин, унда асосий иккита ишлаб чиқариш омили, яъни янги техника ва

технологияларни ўзлаштиришнинг техник-иқтисодий имконияти ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини янгилашнинг ташкилий, инновацион-инвестицион имкониятига эътибор қаратилади.

Капиталдан фойдаланиш K_f (янги маҳсулот ишлаб чиқариш) вақтига нисбатан капитал янгиланиши K_y (модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш) вақти янгиланиш коэффиценти $k_y = \frac{K_f}{K_y}$ ни ифодалайди. k_y, K_f, K_y

кўрсаткичлардан турли хил вариантларда фойдаланиш k_y, K_f, K_y нинг ҳақиқатда ва меъёрий даражаларини таққослаш, шунингдек, ташқи ва ички омиллар таъсири шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва уни ишлаб чиқаришни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги ёки йўқлиги маҳсулот ҳаётий даврининг қайси бўғинида жойлашганлигини аниқлаш имконини беради.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида барқарор ривожлантиришнинг ушбу усули ва моделидан фойдаланиш корхонанинг стратегик ривожлантириш жараёнларини режалаштириш ва прогноз қилиш имконини яратади. Чунки улар капитал янгиланиш вақти, яъни ундан самарали фойдаланиш ва корхона фаолиятининг бир қатор муҳим параметрлари орасидаги боғлиқликни очиб беради ҳамда корхонанинг истиқболдаги молиявий-иқтисодий стратегиясини тўғри белгилаш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2014. – 142 б.
2. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2014. – 212 б.
3. Доклад «Альтернативные источники энергии: возможности использования в Узбекистане», ЦЭИ, 2011.
4. «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги 115-сонли қарори.
5. <http://review.uz/index.php/statji-main-menu/kultura/item/461-modernizatsiya-i-effektivnost-glavnoe-rezultat>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4.03.2015 йилдаги ПФ-4707 – сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони.
7. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - 2-е изд., испр. -М.: ИНФРА-М. 1999. – С. 479.
8. Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг техник модернизация ва диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. Тавсия

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томондан тасдиқланган.

9. <http://storage.mstuca.ru/bitstream/123456789/2092/7/%D0%93%D0%BB%D0%B0%D0%B2%D0%B0%2010.doc>.